



АНОНС



Нодир Жумаев:
ҲАР ҚАНДАЙ СОҲАНИ
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДАН
АВВАЛ, БУ БОРАДА
БИЛИМГА ЭҒА БЎЛИШ
КЕРАК



**ТАҚДИРИНГИЗДА
БЎЛСА АЛБАТТА
САҲНАГА ҚАЙТАСИЗ**



**ЖАРИМА МАЙДОНЛАРИ
БИЛАН БОҒЛИҚ
МУАММОЛАР ПАРЛАМЕНТ
НАЗОРАТИДА!**



*«Ўзбек қизи»
Урушда голиблар
бўлмайди... аммо
қаҳрамонлар
унутилмайди!*

ЖАРИМА МАЙДОНЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА!



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ўтказилган йиғилиш ва муҳокама, шунингдек, Қонунчилик палатасига келиб тушган мурожаатлар якунлари шунини кўрсатмоқдаки, сайловчиларни ўйлантираётган масалалардан бири – бу қонун ҳужжатларини бузганлик учун ушлаб турилган автотранспорт воситаларини сақлаш жойларига етказиб бериш, жойлаштириш ва сақлаш билан боғлиқ масалалардир.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 149-сонли қарори билан тегишли қоидалар тасдиқланган.

Мавжуд маълумотларга кўра, ҳозирда республикада 295 та жарима майдонлари мавжуд. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан айрим жазони ижро этиш пунктлари фаолияти ўрганилди. Мазкур жараён давомида соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бажарилмагани аниқланди.

Жумладан, юқоридаги қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, ҳокимлар томонидан жарима майдонларини ташкил этиш бўйича танлов комиссияларини тузиш ва шакллантириш тўғрисида қарорлар қабул қилинган бўлса-да, амалда мазкур танлов комиссиялари фаолиятига оид тегишли ҳужжатлар мавжуд эмас. Шунингдек, ўрганишлар олиб борилган бир қатор жазони ижро этиш муассасалари фаолияти ҳам меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб бермайди. Масалан, жарима майдончасида автотранспорт воситаларини сақлаш шароитлари (жумладан, жарима майдончаси ҳудудининг ёритилмаганлиги ва қопланмаганлиги, ёнғин хавфсизлиги воситаларининг йўқлиги) ва бу борадаги хизмат кўрсатиш сифати қониқарли эмас. Шу билан бирга, жарима майдонига келтирилган автотранспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун бир марталик тўлов ундирилади. Аниқ миқдор эса белгиланмаган. Аниқланишича, аксарият жарима майдончаларида пластик карточкаларни қабул қилиш учун тўлов терминали, фискал хотирага эга назорат-касса машинаси мавжуд эмас. Ва мавжудлари, баъзи ҳолларда, амалда қўлланилмайди. Автотранспорт воситасини ушлаб туриш сабаблари бартараф

этилганлигини тасдиқлаш учун унинг эгаси мансабдор шахс томонидан берилган ёзма рухсатномани тақдим этиши керак, бундай рухсатномани олиш эса фуқаролардан ортиқча қоғозбозлик ва яна қўшимча маблағ сарфланишини талаб қилади.

Шундан келиб чиқиб, Бош вазир ўринбосари номига Қонунчилик палатаси томонидан сўровнома юборилди. Олинган жавоб хатида мамлакатимиздаги жарима майдончалари ишида тизимли муаммолар мавжудлиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 295 та жазони ижро этиш шохобчаларининг бирортаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан белгиланган талабларга жавоб бермаслиги таъкидланган. Шу боис ҳукумат узоқ йиллар назоратсиз қолган ушбу тизимни қайта ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқди. Ҳужжат лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилган:

— “Жарима майдони” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

— жарима майдончаларига кирувчи ва чиқувчи транспорт воситалари рўйхатини электрон тарзда юритиш;

— ҳибсга олинган автотураргоҳларда хизмат кўрсатувчи юридик шахсларни танлов асосида танлашда инсон омилени камайтириш.

Парламент сўровига жавобан Транспорт ва Ички ишлар вазирликларига тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда бир ой муддатда қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига қонун ҳужжатларини бузганлик учун ушлаб турилган транспорт воситаларини сақлаш жойларида ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, жарима майдонларини ташкил этишнинг муайян талабларга мувофиқлигини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур масала Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг доимий назоратида бўлиши алоҳида таъкидланди.

Фарҳод АШМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМА!


Ҳа, сиз бу иборани кўп эшитгансиз. Яна “ўт балосидан асрасин”, деган тилак ҳам қулоғингизга чалинган бўлиши керак. Тилсиз ённинг ортидан келадиган фожиа нафақат молингизни, балки жонингизни ҳам аямайди.

Шу боисдан ҳар бир фуқаро ёнғин содир бўлганда албатта мавжуд тавсияларга риоя қилиши шарт. Бу билан катта талофатларнинг олдини олган бўлади. Содир бўлган ёнғин ҳақида “101” телефон рақами орқали Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг ёнғин қутқарув хизматига қўнғироқ қилиши ва содир бўлган ёнғин манзили, ўз исм фамилияси ҳақида хабар бериши лозим.

Имкон қадар содир бўлган ёнғинни яқин масофадаги бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан ўчириш чораларини кўриш керак. Яна ёнғиннинг кучи ва имконияти ёрдамида ўчира олмаса, хонани тарқ этиш ва эшикни қулфламасдан ёпиш керак. Ёнғин содир бўлган хавфли ҳудуддан тўтун билан заҳарланишнинг олдини олиш учун эшик тирқишларини ва шамоллатиш туйнуқларни нам сочиқ ва чойшаб билан ёпиш зарур. Шунингдек, ёнғин пайтида балконда ёки пешайвонда ёнғиндан ҳимояланиш мумкин. Шу билан бирга балкон эшигини ёпишни унутманг. Хонада ёнғин хавфи келтириб чиқарувчи суюқлик, ёнгил алангаланувчи модда ва маҳсулотларни олиб кириш ва сақлаш мумкин эмас.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ўзимиз ва яқинларимизнинг ҳаёти учун муҳим.

Элмурод ШЕМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Марказий
омборида ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ мутахассиси



РАНГО-РАНГ ЁМҒИР

Тошкент фотосуратлар уйида Қозоғистон Республикаси рассомлар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида қозоғистонлик рассомларнинг рангтаъбир ва графика йўналишидаги “Ранго-ранг ёмғир” номли кўргазмаси ташкил этилди.

Экспозициядан Аранши Шаржанов, Султон Иляев, Носир Рустамов, Мухтор Бекенов ва Мадина Мухторова сингари рассомларнинг “Қизил тоғлар”, “Кук терак”, “Орол”, “Куз”, “Бухоро”, “Икки аёл”, “Булут”, “Тракторчининг ўғли”, “Оила”, “Денгиз”, “Хаёл”, “Куй”, “Акс”, “Қуёш”, “Оқ йўл”, “Отлиқ”, “Ботир”, “Уйғунлик”, “Абадийликни излаш”, “Ҳиссиётлар” каби бошқа қатор ижод намуналари ўрин олган.

Ушбу асарларда асрлар оша етиб келган миллий қадриятлар фольклор руҳидаги рангтаъбир ижод намуналарида миллат менталитетини намоён этади. Кўргазмада сиз қозоқ рангтаъбир аъналарини, ижодкорларнинг қарашлари, мумтоз маданий илдишларга гувоҳ бўласиз.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?..

Яқинда ижтимоий тармоқларда Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманида Ўзбекистон давлат байроғи ранглари туширилган тасмани таққан йигитга нисбатан Ички Ишлар ходимларининг қўполлик ишлатиб, олиб кетишаётгани акс этган видео тарқалди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш қўзғатиш қарори Прокуратура томонидан ноқонуний деб топилди. Савол туғилади: Йигитга Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича иш нега очилган? Давлат байроғи тасвири туширилган тасмани фахр билан таққанлиги учунми? Ёки ИИБ ходимларининг «қонуний» талабини бажармаганлиги учунми? Ёки форма кийган ҳар бир ходимнинг айтган сўзи «қонуний талаб»ми?

Юқоридаги ҳолат бўйича, Қашқадарё вилояти ИИБ ахборот хизмати баёнот берди. Унга кўра, воқеа 5 май куни Қамаш шаҳридаги «Чим» бозорида содир бўлган. Йигитдан «Битирувчи» ёзуви туширилган давлат байроғи рангидаги тасмани ечиш сўралган. У эса бош тортган. Шундан сўнг йигит билан профилактик суҳбат ўтказилиб, судга тақдим этиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Ҳолат юзасидан фуқарога МЖТКнинг «тегишли моддалари»га кўра ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар қонуний тўхтама келиш учун жиноят ишлари бўйича Қамаш туман судига юборилган, дея қўшимча қилди ИИБ.

Бу хабардан сўнг Бош Прокуратура ўзининг аралашуви билан йигитга қўлланилган ноқонуний

қарор бекор қилинишини таъминлаганини эълон қилди. ИИБ хабарида профилактика ходимининг қонуний талабига бўйсунмаганлиги, давлат рамзларига ҳурматсизлик учун жазо кўрилганлиги бот-бот таъкидланмоқда. Бу ерда кишини иккита масала ўйлантиради: биринчиси, биз ҳам мактабни битираётган пайтимизда айнан май ойларида шундай тасмалардан тақар эдик. Бу анъанага айланиб улгурган оддий ҳолат бўлиб туюлиши мумкин, лекин байроқни қўлда кўтариб юриш, тасмасини елгага тақиш кишига ўзгача ғурур бахш этади. Давлат рамзларига ҳурматни талаб қилган ходимлар, масаланинг иккинчи томони ҳам борлигини мулоҳаза қилиб кўришса, яхши бўларди. Улар бундай қўпол хатти-ҳаракатлари билан ёшларда миллий рамзларга бўлган ғурур ва ифтихор туйғусини «ўлдириб» қўймаптиларми?! Эндликда ҳуқуқ-тартибот орган ходимлари томонидан қўлга олинган бу йигитда байроқ билан боғлиқ нохуш хотиралар бир умрга қалбида муҳрланиб қолмайди, деб ким кафолат бера олади? Ривожланган мамлакатларда давлат рамзларининг кийимларда акс этиши оддий ҳолат. Масалан, Туркиянинг деярли ҳар бир хонадонида давлат байроғи мавжуд. Бу ватандошлик жамиятини шакллантиришнинг ҳам олд шартларидан бири. Яна Ватанга, унинг рамзларига, ватандошларга бўлган ўзаро ҳурмати дидир.

Юзага келган ҳолат «Давлат байроғи тўғрисида»ги қонуннинг камчиликлари борлигини ва унинг устида

ишлаш кераклигини кўрсатади.

Иккинчи масала, ҳар бир форма кийган ходимнинг сўзини бажармаслик бу «ИИБ ходимининг қонуний талабига бўйсунмаслик»ни аниқлатмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсоннинг шахсий ҳуқуқлари дахлсиздир. Шу ўринда, ИИБ ходимларининг қонуний талаблари нималардан иборат эканлиги борасида аҳолига аниқ тушунча берадиган видеоролик ёки ахборотнома тайёрлаб, уни кенг жамоатчиликка тарқатилса, ҳар икки тараф учун ҳам фойдали бўлар эди, назаримизда.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон байроғи ранглиридаги тасмалар мактабларда ўқув йили якунланган куни, шунингдек, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида кенг тарқалади.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида ЎзЛиДеП байроқдан фойдаланишга қўйилган чекловларни юмшатиш, фуқароларга ундан эркин фойдаланиш, хусусан, уни ўз уйи ва иш жойларига ўрнатиш ташаббуси билан чиққан эди. Бундан ташқари, байроқдан фойдаланиш билан боғлиқ жавобгарлик чораларини қайта кўриб чиқиш ҳам таклиф қилинди.

Маълумот учун, ҳозирда Ўзбекистон байроғидан фақат давлат органлари ва дипломатик ваколатхоналар биноларида, президент ва бошқа раҳбарлар девонларида, ҳарбий қисмларда, чегара постларида, спорт майдончаларида, маросим ва тантаналарда, шунингдек, байрамларда асосий кўчаларда фойдаланишга рухсат берилади.

Иззатилло Нуритдинов
14.05.23

Биринчи бор Туркияга 2000 йилда илмий анжуманда иштирок этиш учун борганман. Ушанда Станбулда, Измирда ва Туркиянинг бир катор бошқа шаҳарларида булганман. Мени дастлаб ажаблантирган нарса деярли ҳамма жойда: жуда куплаб хонадонларнинг томларида, куп каватли уйларнинг болконларида, деразаларда, машиналар ойналарида... Туркиянинг давлат байроғи осиб ташланганлиги булган. Сафаримиз муддати Туркиянинг Жумҳурият кунига тугри келган. Менинг хайратимни ва хавасимни орттирган нарса - уша куни бутун Туркия давлат байроқлари денгизига гарк булганлиги эди. Кучалардаги деярли барчанинг, етти ёшли (хатто ундан ҳам ёшроқ) болалардан тортиб етмиш ёшли (ва хатто унданда кекса) кишиларнинг кулларида байроқ бор эди, кучаларда, ҳар бир бино томларида, машиналарда, транспортларда давлат рамзи булган байроқлар. Байроқлар, байроқлар, байроқлар... Мана давлатига, шу давлатнинг рамзига булган умумхалк мухаббати, давлатидан фахр туйғуси! Бизда булса, байроқнинг тасвирини кукрагига боғлагани туфайли ма'мурий жавобгарликка тортиш учун судга берилса?! Бу нима деган гап? Бир ватандош сифатида "Давлат рамзлари хақида"ги конунни Конунчилик палатаси депутатларидан зудлик билан кайта куриб чиқишларини ва конун даражасида барчамизга уз давлатимизга булган мухаббатимизни изхор этиш учун унинг рамзларидан кенг микёсда фойдаланиш ҳукуки кенгайтирилишини талаб киламан! Бундан ташқари, ички ишлар ходимларига берилган жуда кенг микёсдаги ваколатлар доирасини ҳам акл билан кайта куриб чиқишни таклиф киламан.

Нравится Комментировать Поделиться



Байроқ - таёқ, сим ва бошқа нарсага маҳкамланган муайян ранг ҳамда ўлчамдаги мато бўлиб, Ўрта асрларда туркий халқлар орасида «туға» деб ҳам аталган. Бу атама асосан ҳарбий юриш пайтида фойдаланиладиган байроқларга нисбатан ишлатилган. Ўрта асрларда Ғарбий Европа шаҳарларида табақа, уюшма ва корхоналар ҳам ўз байроғига эга бўлган. Бугунги кунда ҳар бир давлатнинг расмий рамзларидан бири байроқ ҳисобланади ва у давлат байроғи деб юритилади.

Давлат байроғи — давлатнинг асосий рамзларидан бири: расмий, бошқа давлатлардан фарқловчи белгиси, эмблемаси. Давлат байроғининг тасвири махсус қонун ёки конституция билан белгиланади. Давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланади. У герб ёки бошқа эмблема тасвирланган бир ёки кўп рангли алвондан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун 1991 йил 18 ноябрда тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан ташкил топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир. Оқ рангнинг тепа ва пастки қисмларидан горизонтал қизил чизиқ ўтган. Байроқнинг юқори қисмида ярим ой ва 12 юлдуз тасвири туширилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг эни 125 см, узунлиги — 250 см. бўлади. Байроқнинг ҳажми бошқача бўлиши ҳам мумкин. Лекин ҳамма ҳолларда байроқнинг эни узунлигига нисбатан 1:2 бўлиши керак.

Дунёдаги энг қадимий байроқ- Дания байроғидир. Ҳар йили 15 июнда бу кун байрам сифатида нишонланади. Афсоналарда айтилишича 1219 йил 1 июнда бу байроқ осмондан тушган. 2019 йилда байроқнинг 800 йиллиги кенг нишонланди.



Тақдирингизда бўлса албатта саҳнага қайтасиз



– Шамсиқамар опа, нимага айнан Ёш томошабинлар театрини танлагансиз?

– Биласизми, мен бу даргоҳга келганимда ёш эдим, навқирон эдим. Бу саҳнада ёшлигим ўтди. Ижодим шу саҳнага боғланганидан пушаймон эмасман. Тўғри, Миллий театр бошқача жарангдор, аммо менинг меҳрим шу театримга тушди. Турли роллар ўйнадим, образларим билан болалар қалбига яхшилик уруғини қададим. Баъзида кўчада “биз сизни болалигимиздан биламиз”, дейишса хурсанд бўламан. Бир неча йиллар илгари театримизга бир раҳбар адашиб келиб қолди ва мен, мен каби ёши улуғ санъаткорларни нафақага кетишимизни айтди. Титраб кетдим. “Наҳотки менинг театрдagi ҳаётим шундай яқунланса”, деган аламли ўйлар исканжасида қолдим... Директорнинг олдидан жуда тушкун аҳволда чиқдим, аммо ҳеч кимга сездирмадим. Хонамга кириб буюмларимни олдим, хонам билан видолашдим... Кўчага чиқсам шамол, хазонлар одамларнинг оёқ остиларида сарсон... Ўзимни ўша хазонларга ўхшатдим... Ўйга бордим, бошқа бардошим етмади, дод солиб йиғладим... Мен театрсиз азобда қолгандим. Табиатан изтиробларимни, дардларимни бировларга билдиргим келмайди. Ўйимдагилар келиб қолмасин дея дарҳол ўзимга келдим ва бирданига ҳаёлимга “театрга керак бўлмасам уйимга, оиламга, умр йўлдошимга керакман-ку”, деган фикр келди. Юрагимнинг бир чети ёришди... Шу пайт телефон жиринглади. Олсам театрдан... “Қаердасиз? Нега дарров кетиб қолдингиз? Тез театрга етиб келинг, раҳбарият жиддий ўйлаб кўрди, сизларни бўшатмайдиган бўлди, сизлар театрга кераксиз”, дейишди. Кўнглимда кўёш порлади. Аммо ўша куни театрга боришга кучим йўқ эди. Эртасига бордим... ва яна ишда давом этдик. Ўша воқеа мен ва мен каби тенгқурларимга жуда оғир ботганди. Кўраясизми, биз шу қадар театримизни севадимиз...

– Санъат одамларига кўпчиликнинг ҳаваси келади... Ташқаридан қараганда, артист доим эътиборда, ўзларига қараб, юзларида табассум билан юради, ташвишлари йўқдек кўринади... Лекин саҳна орти машаққатларини санъаткорнинг ўзи билади...

– Тўғри, томошабин кўзида жуда ҳавас қилгулик ҳаёт... Аммо саҳнада туришнинг машаққати оз эмас. Аслида ҳамма касбнинг ўзига хос паст-баландликлари, мураккабликлари бор. Қайси касбда бўлишингиздан қатъий назар шаънингизга доғ туширмаслигингиз керак. Айниқса, санъатда бу жуда муҳим. Йиллар ўтиб фарзандларингизга доғ бўлмаслиги лозим. “Ҳа, ўша артистнинг боласида”, деган таъналардан қўрққанман. Ёшлиқ ўтиб кетади, сен умрингнинг кейинги фаслига фаросатинг, хулқинг ва маданиятинг билан ўтишга мажбурсан. “Баҳор қайтмайди” видеофильмидаги Клара образи орқали бир кунда машҳур бўлганман. Лекин айнан мана шу образим учун оилам олдида жавоб беришимга ҳам тўғри келган. Умр йўлдошим ўша асар намойишидан кейин менга санъатда ишлашни таъқиқлади. Саҳнадан, экрандан кетишимни талаб қилди. Мен икки ўт орасида қолдим... Санъатни севадим, аммо мен оилани танладим... Икки йил давомида турмуш ўртоғимнинг қарорига бир марта ҳам қарши чиқмадим. Лекин телевидение орқали бериладиган новеллаларда ҳамкасбларимни кўриб, панада йиғлаб олганларим эсимда... Бир оғиз санъат ҳақида гапиролмасдим. Чунки менинг ижодимга катта нуқта қўйилганди. Аммо бир куни менга умр йўлдошимнинг ўзи: “Эртага театрга ўтинг, ишлари бор экан сизда” деб қолди. Борсам қутилмаган хабар айтишди. Турмуш ўртоғим ўша пайтдаги Маданият вазирлигига бориб мени яна Ёш томошабинлар театрига аввалгидек актриса сифатида ишга олишларини сўрабди. Менинг сабримни синовдан ўтказганми ёки санъатга бўлган меҳримни ҳурмат қилганми билмасдим, билганим мен яна саҳнага қайтганим эди. Ҳозир санъаткор бўламан, деб, битта сериалда рол ўйнайман деб оиласини бузиб юбораётганларни эшитсам хафа бўламан. Аёл киши учун оила муқаддас уни, сақлаб қолиши керак. Сабр билан, ақлу-фаросат билан иш қилинг. Агар тақдирингизда бўлса албатта сиз яна саҳнага, экранга қайтасиз.

– Армонлар борми?

– Билмасам, жуда армонларда қолиб кетганман деб айта олмайман. Шукр, театрдa, экранларда ўзим истаган катта-кичик ролларни ижро этдим. Озми-кўпми мухлисларим бор. Лекин шу рол менинг армоним деб қуймайман. У ҳаёт-мамот масаласи эмас мен учун. Лекин бир пайтлар мен ҳеч қачон унвон олмасам керак, деб ўйлардим. Қаранг, тақдиримда бор экан, у ҳам насиб қилди...

– Нега шундай ўйлагансиз? Бирон-бир сабаби борми?

– Билмасам, баъзида пул бериш керак экан, деган гапларни эшитиб қолардим. Шунинг учун балки шундай ўйлагандирман. Эрим ҳам, мен ҳам ойликни кутиб яшардик, ортиқча йиққанамиз, беркитганимиз бўлмаганлиги учун умид қилмасдидим... Аммо яна вақт менга бир ҳақиқатни исботлади. Меҳнат қилсангиз, сидқидилдан излансангиз албатта қадрлашади, эътиборга олишади. Бугун мана унвон ҳам бор, эътибордамиз, сеvimли ишимни қиляяпман... Бу кунлар учун шукр қилмасам гуноҳ бўлади.

– Оғирроқ савол бераман: энди театрдан кетишга тайёرمىсиз?

– (ўйлаиб) кетиш фурсатлари келса истасак ҳам қололмаймиз. Аммо ҳали қўлимдан иш келади, ўзимга, ёшимга мос ролларим бор. Оёқ-қўлим чаққон, тилим бурро... бир сўз билан айтганда саҳнада ишлай оламан... лекин қачондир кетиш кераклигини биламан. Фақат кўнглим бу ҳақиқатни қабул қилгиси келмайди.

– Шамсиқамар опа, савол учун узр сўрайман. Аммо шу ўринда ўз мулоҳазаларимни айтсам, театрга, экранга умуман санъатга тажриба сув ва ҳаводек зарур. Устозларнинг йўллари, уларнинг панду-насиҳатлари, ўрнатилган бўлишлари фақат фойдага ишлайди. Дунё киносига, театрида Сиз ва сизнинг тенгқурларингиз учун алоҳида сценарийлар ёзилади, фильмлар суратга олинади. Умид қиламанки, бизнинг режиссёрлар ҳам устозлар учун алоҳида асарлар яратади. Саломат бўлинг.

Театр – ибратхона! Беҳбудийнинг ушбу сўзи ҳамон ўз кучида. Саҳнадаги ҳар бир чиқиш, ҳар бир ижро, ҳар бир детал ибрат учун хизмат қилиши шарт.

Пойтахтимиздаги Ёш томошабинлар театри ибрат борасида ҳар қанча эътироф этгулик. Шамсиқамар Мансурова. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Умрининг эллик йилини саҳнага бағишлаган аёл. Ҳаётини болалар билан баҳам кўрган актриса!



Олтин мероснинг янги оҳанглари

“Достончилик ва бахшичилик – миллий гуруримиз. Унинг замиридаги эзгу қадриятларни халқимизга етказиш лозим”
Шавкат Мирзиёев

Жорий йилнинг 6-7 май кунлари Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида “Замонавий бахшичилик санъати: олтин мероснинг янги оҳанглари” мавзусида III Халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди. Тадбирда 30 дан ортиқ мамлакатлардан соҳанинг етук мутахассислари иштирок этди.

Дастлаб конференцияда маданий меросимизнинг аҳамияти, унинг асрлардан-асрларга ўтиб келаётган тарихи ҳақида йиғилганларга маълумотлар берилди.

III Халқаро бахшичилик фестивали доирасида Гулистон истироҳат боғига ёндош Алишер Навоий кўчаси бўйлаб миллий ва жаҳон таомлари, мамлакатимизнинг гастрономик туризм саёҳатини акс эттирувчи кўргазма ҳам ташкил этилди. Вилоятлардан келган ошпазлар ҳар бир ҳудуднинг миллий таомларини тайёрлаб, йиғилганларга улашди. Гулистон шаҳрида жойлашган Тўра Сулаймон номидаги Амфитеатр ҳудудида барпо этилган замонавий сахна ва унга ёндош ҳудудларда рамзий шаҳарчалар қад кўтарди.

Сахна ортида рамзий Кўхитанг тоғлари бизни хаёлан Алпомиш замониغا олиб киргандек бўлди. Режиссёр Асқар Холмўминов томонидан сахналаштирилган “Эрким, бахтим, мовий осмоним!” рўкнидаги театрлаштирилган концерт дастурида 1 500 дан ортиқ санъат вакиллари иштирок этди.

Бахшичилик – икки буюк дарё, Жайхун ва Сайхун оралигидаги цивилизацияларни яратиш қудратига эга бўлган улуғ аجدодларимиздан мерос. 2022 йилда бахшичилик санъати ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатида киритилди. Сўнгги йилларда санъатнинг ривожланиши натижасида юртимизда кўп томлик “Қорақалпоқ фольклори” тўплами нашр этилди, 100 томлик “Ўзбек халқ-ижоди ёдгорликлари” мажмуаси ҳам чоп этилмоқда. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони ҳам таъсис этилди.

BAKHSHI
INTERNATIONAL ART FESTIVAL
TERMEZ-2019

Натижаларга кўра:

- 1-ўринга Сариев Гаряғди (Туркменистон), Саламат Аяпов (Ўзбекистон Республикаси Қорақалпоғистон), Сандан Арес (Россия), Рисбай Исаков (Қирғизистон);

- 2-ўринга Расулбек Абдурахмонов (Ўзбекистон), Нугзар Кавтарадзе (Грузия), Сарвар Сафаров (Қирғизистон), Ярослав Дмитриев Христов (Болгария);

- 3-ўринга Дилмурод Гулмуродов (Ўзбекистон), Серик Жақсиқулов (Ўзбекистон), Эрдане Багдасарян (Армения), Есун (Монголия), Шин Жа Сун (Корея) муносиб деб топилди.

Фестиваль гранд-при совринини эса ўзбекистонлик Илҳом Норов кўлга киритди.

Ютуқлар:

- 1-ўриннинг ҳар бирига 2500 АҚШ долларидан;

- 2-ўриннинг ҳар бирига 1750 АҚШ долларидан;

- 3-ўриннинг ҳар бирига 1250 АҚШ долларидан тақсимланди.

Гранд-при совриндори эса 7000 АҚШ доллари пул мукофотига эга бўлди.

Снайпер қиз

Жорий йилнинг 8 май куни “Киночилар уйи”да “Ёшлар кинеси ойлиги” доирасида намойиш этилган “Ўзбек қизи” фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Кинокартина мураккаб постановкали тарихий-бадий фильм ҳисобланиб, Беларусь Республикаси киноижодкорлари билан ҳамкорликда суратга олинган. Айсанем Юсупова ижро этган Жамила (снайпер) образига Иккинчи Жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган снайпер Зебо Ғаниева прототип қилиб олинган.

Бадий фильм сюжети ўз номи билан бир неча бадий сахналар, образлар билан бойитилган. Операторнинг юксак маҳорати эса киноасарнинг томошабоплигини таъминлаган. Шунингдек, фильм бошидаги урушгача бўлган сахналар, курсантлар орасидаги самимий диалоглар, мураккаб жанг сахналари томошабинларни зериктириб қўймайди. Баъзи сахналар эса томошабинда: “Совет армияси биргина аёлга қараб қолган эканми?” - деган саволларни туғдириши ҳам мумкин. Аммо, фильм айнан, Зебо Ғаниеванинг қаҳрамонлиги ҳақида эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Энг муҳими, урушда ғолиблар бўлмаслиги, кимдир яқинларидан, кимдир юртдан яна кимдир соғлиги, болалигидан маҳрум бўлиши фильмда ўз аксини топган. Чуқур таҳлилга киришмаган ҳолатда сизни фильмни томоша қилишга чорлаб қўламаз ва кинокартинага ўзингиз баҳо беришингизни тавсия қиламиз!

Постановкачи режиссёр: Акбар Бектурдиев
Операторлар: Хусан Алижонов, Максим Куровский
Постановкачи рассомлар: Акмал Саидов, Виталий Григоревич
Ролларда: Айсанем Юсупова, Феруза Саидова, Йигитали Мамажонов, Муҳаммадисо Абдулхайров, Олег Тактаров, Сергей Лапаницин, Милана Иванова



Азалдан халқимизда аждодларга муносиб авлод бўлиш туйғусига масъулият билан қаралган. Эл ичида танлаган йўли, касбу-кори билан ҳурмат қозонган сулолалар нафақат ўша авлоднинг, балки халқнинг маънавиятида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Санъатда Ражабийлар, Тошматовлар, Исломовлар, Зокировлар каби катта сулолалар борки, уларнинг ижод йўли таҳсинга лойиқ.

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият ва туризм вазирлиги, Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова муаллифлиги ва ижросида “Сулола” деб номланган бир актёр спектаклини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Ушбу асар монолог тарзда тақдим этилди. Саҳнада монитор ва актрисанинг сулола вакиллари билан боғлиқ хотираларигина... Архив фото ва видеолар томошабинни Зокировлар сулоласи ҳақидаги эсдаликларини янада теранроқ англашига хизмат қилди.

Гавҳар Зокирова сўзни сулоланинг аввалида турган Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокирийдан бошлади. Ундан сўнг Карим Зокирийнинг умр йўлдоши санъаткор Шохиста Саидова ҳақида сўзлади... Шу тариқа хотираларда Ботир, Фаррух, Науфал, Равшан, Луиза, Жамшид Зокировлар намоён бўлди. Аҳамиятлиси спектакл муаллифи ва ижрочиси Гавҳар Зокирова сулоланинг иккинчи авлодларига ҳам тўхтади.

Томошабинлар орасида “Наҳотки шу инсон ҳам Зокировлардан бўлса...”, деган ҳайратомуз шивир-шивирлар бўлди...

Ушбу лойиҳа учун албатта махсус декорация яратилганда нур устига аёло нур бўларди. Агар спектакл парда очилиши билан бошланиб, парда ёпилишида тугалланса, сахна талабларини тўла қонли тарзда акс эттирган бўлар эди. Яна бир таклиф: мутасадди ташкилотлар ушбу лойиҳа билан вилоятлар бўйлаб ижодий сафар режалаштиришса янада яхши! Чунки, Ўзбекистон санъати ва маданиятининг ўзига хос жиҳатларини мана шу биргина спектакл мужассам этган.

Энг аҳамиятлиси, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова муҳим қадамни ташлади. Балки, ушбу лойиҳа яна қанча сулола вакиллари билан сергак тортишига сабаб бўлар... Ҳар ҳолда маданият, маънавият тарғиботи мана шундай бўлиб ўтган воқеалар, бутун халққа дахлдор эсдаликлар билан янада кўркамлашади.

Нодир Жумаев:



Маълумки, ҳар бир давлат миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ички ва ташқи сиёсатини юритади. Сиёсат ҳақида сўз юритишдан аввал, унинг назарий жиҳатига эътибор қаратсак. Демак, сиёсат — бу давлатни бошқариш санъати бўлиб, у турли ижтимоий-сиёсий қатламлар, табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқдир. Унинг моҳиятини давлат ҳокимияти шакллари, уни амалга ошириш ва бошқариш ташкил этади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишига айланди. Хўш, бугунги кунда Ўзбекистондаги сиёсий майдон эгалари кимлар, унинг иштирокчилари-чи?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нодир Жумаев билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

– Нодир ака, негадир бугунги кунда Ўзбекистондаги сиёсий майдон бир мунча бўшаб қолгандек, кучли сиёсатчилар, сиёсий таҳлилчилар кўринмаётгандек, назаримизда...

– Мен бу фикрга қўшилмайман. Чунки, айнан Ўзбекистонда кучли сиёсат юритилиши натижасида барча жабҳаларда катта ўсишлар, янги-янги тараққиётлар кузатилаётганини кўришимиз мумкин. Биргина ташқи савдони оламизми, ёки бўлмаса экспорт таркибини олишимиз мумкин, умуман дунёдаги глобал вазият оғир бўлишига қарамадан, юртимизда ялпи ички маҳсулот ўсиб, иқтисодий тараққиёт таъминланаётганида ҳам кўришимиз мумкин. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда нафақат сиёсий соҳа, балки барча жабҳаларда жуда катта ўзгаришлар бўлаётганини ва бунинг негизида битта мақсад – у ҳам бўлса аҳоли фаровонлигини таъминлаш, инсон қадрини улуглаш каби юксак вазифалар қўйилган.

– Юртимизда узоқни кўзлаб, оқилона сиёсат юритилаётганини бугунги кунда юртдошларимизнинг фаровон ҳаёти, қолаверса, инсон қадрининг юксалганида ҳам кўришимиз мумкин. Бу шубҳасиз! Аммо ана шу юритилаётган оқилона сиёсат таҳлилчилари, тарғиботчилари ҳақида нима дея оласиз?

– Бугунги кунда интернетнинг ривожланиши, ижтимоий тармоқларда фаолият юритувчи блогер, вайнерларнинг оммалашishi натижасида сиёсат борасида барча ўз фикрини бемалол билдирмоқда. Бу ҳам менимча демократиянинг бир кўриниши. Балки ҳақиқатдан ҳам аввалгидек сиёсат соҳасидаги ўқув муассасалари фаолиятини такомиллаштириш керақдир. Бошқа бир томондан, Press-club ёки АОКА фаолиятига назар солсак, бугунги кунда у ерда ўтказилаётган сиёсий мулоқот ва дебатлар тўғридан-тўғри эфирга олиб берилляпти. Яъни, одамларимиз бу мулоқотларни кўриб, ҳолис фикрни ўзлари чиқаришлари мумкин. Бундан ташқари, юртимизда нашр этилаётган сиёсий-ижтимоий газеталарни олиб ўқисангиз, уларнинг деярли ҳар бир сонидида юртимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқлар ҳақидаги таҳлилий материалларни кўришимиз мумкин. Мен ўзим ҳам иқтисодчи бўлишимга қарамай, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида давлатимиз раҳбарининг хорижий мамлакатларга ташрифларини, юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни шарҳлаб бераман.

– Сиёсий майдоннинг асосий иштирокчилари ҳисобланган сиёсий партиялар борасида гап кетганда, сўнги вақтларда уларнинг аъзолари,

маишийлашиб бораётгандек, назаримизда. Биргина Парламентга бўлиб ўтган сайловларда ҳам гувоҳ бўлдикки, сиёсий партия аъзолари кўпроқ сайловолди дастурларидаги камчиликларга эътибор қаратиш ўрнига рақиб партиядан бўлган номзодларнинг оммавий чиқишлардаги ноҳўя хатти-ҳаракатлари ёки гап-сўзлари ва шахсий камчиликларини ушлаб олиб, уларни “чўктиришга” ҳаракат қилишди. Сизнингча, бу тўғрими?

– Мен буни тўғри деб ҳисобламайман. Ўзим ҳам жуда кўплаб дебатларда иштирок этдим. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан депутатликка номзод сифатида юртимиздаги кўплаб телеканаллари орқали намойиш этилган онлайн мулоқотларда қатнашганимда асосан рақиб партияларнинг сайловолди дастурларини муҳокама қилганимиз. Агар адашмасам, элликга яқин учрашувда иштирок этган бўлсам, кўплаб дебатларда асосий эътибор партия дастурлари ва турли сиёсий қарашлар борасидаги муҳокамалар бўлди. Айтиш жоизки, 2010 йилда ҳам депутат бўлганман ва сўнги йилларда сиёсий партиялар ўз позицияларини билдириб, бемалол шарҳлашга, баҳса киришишга шароит яратилганлигини кўришимиз мумкин. Тўғри, айрим партия раҳбарлари томонидан ҳам “қовун тушириш” ҳолатлари ва хатоликлар ҳам бўлди. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий тармоқларда миллионлаб “просмотр”лар орқали тарқаб кетди. Лекин, бу ҳам нотўғри. Чунки, омма олдида чиқиш қилаётган ҳар қандай инсон хато қилиши мумкин. Бундан ташқари, сўнги йилларда трендга чиққан яна бир нарса борки, бу нутқнинг у ёки бу жойидан кесиб олиб, маърузачининг нутқидан бутунлай нотўғри маънони ясаб, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Афсуски, айрим инсонлар сиёсат ёки иқтисоддан беҳабар бўла туриб, ҳар қандай воқеага ўзича муносабат билдиришни касб қилиб олган. Бу ҳам нотўғри, албатта. Ҳар қандай соҳани таҳлил қилишдан аввал, бу борада билимга эга бўлиш керак. Агар депутатлар мисолида айтадиган бўлсам, кўпчилик кўплаб муаммоларни олиб чиқяптими, демак у зўр депутат, деб ҳисоблайди. Бу албатта яхши, лекин депутатнинг асл вазифаси қонунчиликни такомиллаштириш саналади. Масалан, мен Қонунчилик палатаси депутати сифатида айтишим

ҲАР ҚАНДАЙ СОҲАНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДАН АВВАЛ, БУ БОРАДА БИЛИМГА ЭГА БЎЛИШ КЕРАК



мумкинки, шундай депутатларимиз борки, улар оммавий ахборот воситаларида кўринмаслиги, кундалик учрашувларда қатнашмаслиги мумкин, лекин улар қонунларимизни такомиллаштириш, яъни ҳар бир модданинг бошқа қонунларга мослигини текшириш орқали қонунларнинг мукамаллигини таъминлайдилар. Натижада, уларнинг аҳоли фаровонлигига жуда катта хизмат қилаётганлигини кўришимиз мумкин.

– Бугунги кун ёшлари орасида келажақ касблари ҳисобланган ахборот технологиялари, робототехника соҳасида ютуқларни қўлга киритаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг сиёсатга қизиқишлари қай даражада? Дейлик, референдум олди тарғибот тадбирларидаги учрашувларда бугунги кун ёшларининг сиёсий онгига қандай баҳо бердингиз?

– (Ишонч билан) Ижобий баҳо бераман! Тўғриси айтман, ЎзЛиДеП фаоли сифатида партияимиз раҳбари билан биргаликда кўплаб университет ёшлари билан тет-а-тет, яъни юзма-юз учрашувларда иштирок этдик. Ва ана шундай тадбирларда ёшларнинг Конституциявий ислохотлар борасида бераётган саволларини эшитиб, хурсанд бўлдим. Сабаби, ёшларимизнинг сиёсий саводхонлиги ошган. Юртимизда рўй бераётган ҳар бир ижтимоий-сиёсий воқеаларга ўз муносабати, мустақил фикри шаклланган. Бугунги кун ёшлари юртимиз келажаги, қолаверса, ўз келажагига бефарқ эмас. Сиёсий жараёнларга бемалол фуқаролик позициясини билдира оляпти. Менимча, бундан фақат хурсанд бўлишимиз керак.

Ш. АБЗАЛОВА суҳбатлашди





ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР Осмонга “учган” 4100 АҚШ доллари


Ишонувчанмиз. Баъзида ана шу ишонувчанлигимиз панд беради. Бугунги кунда энг кўп учраётган ҳуқуқбузарликлардан бири фирибгарлик билан боғлиқ. Пойтахтимизда яшовчи Ф.Х. ҳам алдовларга ишониб чув тушганлардан бири.

– 2021 йилнинг охирида танишим Э.С. машина олаётганлигини айтди, – деди судда жабрланувчи Ф.Х. – Ўша оғайним менга ҳам машина олишни таклиф қилди. Мен унга ўйлаб кўраман, дея вақт сўрадим. Маълум муддат ўтгач розилик билдириб, у билан Олмазор тумани “Себзор” мавзесида кўришдик. “Мокрый” асфальт рангли “Жентра” русумли автомобилни жами 12500 АҚШ долларига сотиб олишга ва бошланғич тўлови учун 4000 АҚШ долларни беришга келишдик. У билан Сергели тумани “Ўзгариш”даги кўприк олдида учрашиб, 3900 доллар тутқаздим. Икки кундан кейин эса қолган 100 долларни ҳам қўлига бердим. Танишим 2022 йилнинг февраль ойининг бошига қадар “Жентра”ни оласиз, деди. У мендан яна 100 АҚШ доллар сўради. Бердим. Э.С. эртаси куни “вақтинча ҳайдаб туринг, дея “Спарк”ни берди. Тахминан икки ойлардан кейин нотаниш кимса, кейин билсам “Спарк”нинг эгаси машинани олиб кетди. Мен Э.С.га телефон қилиб вазиятни айтдим. У эса гўёки эшитмагандек телефонни босиб қўйди. Кейин эса телефонини мутлақо ўчириб қўйди. Алданганлигимни сезганимдан кейин “102”га телефон қилдим. Уни ушлаб олиб келишди. Шу кунгача Э.С.томонидан менга етказилган 4100 АҚШ доллари миқдоридagi моддий зарар қопланмаган. Шунинг учун пулимни ундириб, унга қонуний чора кўришингизни сўрайман.

Ана энди судланувчи Э.С.нинг таржимаи ҳолига назар ташлайлик. 26 ёшли Э.С. муқаддам судланиб хавфли рецидивист, деб топилган. У ўзгаларни алдашни “касб” қилган.

– Айбимга тўлиқ иқрорман, – деди судда судланувчи. – Ф.Х.дан машина олиб бераман, деб 4100 доллар олганман. Пулларни эса “ёб” юбордим. Ҳозирда қилган ишимдан пушаймонман. Зарарни тез кунларда қоплайман. Бундан бундай ишга қўл урмайман. Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, енгилроқ жазо беришингизни сўрайман.

Суд барча жиҳатларни эътиборга олди. Унга Ж.К.нинг 60-моддаси тартибда жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Паркент туман судининг 2019 йил 5 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан ўташлиги учун 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Э.С. жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтайдиган бўлди.



ЭГРИ ЙЎЛ



Суднинг қора курсисидида ўтирган 21 ёшли Б.Т.нинг аҳволига биров ачинса, яна биров нафрат кўзи билан қарайди. У муқаддам фирибгарлик жиноятини содир этганлиги учун судланган. Аммо Б.Т. хулоса чиқармади. У вояга етмаган икки нафар ўспиринни ўғирликка шерик қилади. Улар ўтган йилнинг 3 июль куни тахминан тунги соат 01:30 лар атрофида Яккасарой тумани Муқимий кўчаси 3-уй олдида бир аёлга тегишли бўлган “NEXA – 3” русумли автомобилни ичидан 7 миллион сўм нақд пулни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинади. Олиб борилган тезкор қидирув ва суриштирувлар натижасида Б.Т. ушланади.

Судланувчи Б.Т. суд мажлисида айбига иқрор бўлиб, ёшлигидан вояга етмаган икки ўспиринни танишини, улар билан ўша куни кечаси овқатланиш мақсадида кафега киришганини баён қилди. Кафедан қайтиб чиқишгач, “NEXA – 3” русумли автомобилни кўришган. Шундан кейин у автомобилнинг эшигини очиб ичини титкилаб, салондан 7 миллион сўмни олиб қочган.

– 2 июль куни тахминан 21:00 лар атрофида уйга келдим, – деди судда жабрланувчи аёл. – Машинани уй олдида қўйиб пульт билан қўлфладим. Эртаси куни эрталаб кўчага чиқиб машинага қарасам, ҳамма томони очиқ. Багаж ва салондаги нарсалар ёйилиб ётибди. Шундан кейин “102”га хабар қилдим. Ўғирлик натижасида автомобилга ҳеч қандай зарар етказилмаган. Эшик қўлфлари бузилмаган. Ҳужжатлар жойида эди. Фақат 7 миллион сўм пул ўғирланган. Менга етказилган зарарни тўлиқ қоплашди. Шунинг учун унга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоим йўқ. Ўғирлик қилган йигитга нисбатан енгилроқ жазо беришингизни сўрайман.

Суд Б.Т.ни ўғирлик ва бошқа жиноятни содир этганликда айбли, деб топди. Унга Ж.К.нинг тегишли моддаси тартибда тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил 27 майдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Б.Т. тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташи белгиланди.

21 ёшида иккинчи марта судланган бу йигитнинг қилмишини ҳеч қандай оқлаб бўлмайди. Айни ўқиб-ўрганадиган, ишлайдиган даврида эгри ишларга қўл урди. Мазмунсиз ҳаёт кечириб, оқибатини ўйламай қадам босиб уни ана шу куйга солди.

Алишер ЖАЛИЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг раиси.



Кундош

Лола Аслбекка турмушга чиққанида эндигина ўн саккизни қаршилаганди. Аслбек эса ундан беш ёш катта, оиласининг тўнғич ўғли. У бир кўришдаёқ Лолани ёқтирди. Севги нималигини ҳали тўлиқ англамаган қиз ҳам кўз очиб кўрган ёрига кўнгли кўйди. Умр йўлдошини бошидаги тож, деб билди. Қайнонаси мард аёл экан, ёлғиз ўзи икки қиз ва бир ўғилни воёга етказган. Лолани яна бир қизим деб қабул қилди. Билмаганини ўргатди.

Кексалар таъбири билан айтганда, Лола бу уйда туб кўйиб, палак ёзишга интилди. Келинчак қадами қўтлуғ бўлиб, Аслбек мансаб пиллапоясидан кўтарилди. Бир йил ўтмай ўғли туғилди. Аслбекнинг муҳаббати икки карра ошди. Қолеварса, чақалоқ ҳам ўзи билан омад олиб келди. Отанинг мартабаси яна ортди.

Лола қайнонасини ҳам, қайнисингилларини ҳам ўз жигарлари қаторида кўриб, беминнат хизмат қилди. Улар ҳам ўз навбатида келинининг қадрига етишарди. Бирин-кетин қайнисингиллар узатилди.

Йиллар ўтиб борарди. Аслбекнинг ишлари юришгандан юришди. Лола келин бўлиб тушган пасткам, уч хонали уйлар қасрмонанд иморатларга алмашди. Ҳовлида қўшалок машиналар пайдо бўлди.

Лола қайнонасининг йўлидан кетди. Бир ўғил ва икки қизнинг онасига айланди. Ҳаммаси яхши, ҳаммаси чиройли эди...

Лекин кутилмаганда Аслбек иккинчи хотинга уйланиш ҳақида сўз очди. - Сен онам билан яшайверасан. Мен унга "дом" олиб бераман. Бориб келиб яшайвераман, - деди эри. Лола шу вақтгача эридан тарсаки емаганди. Мана шу гап унга тарсаки бўлди. Жим эшитди.

- Ойижонга нима дейсиз? - деб сўради Лола.
- Онамга индамаймиз, - деди Аслбек. - Онам билиши шартмас. Фақат Севаранинг ота-онаси кўнмаяпти. Шу сабаб сен совчи бўлиб борсанг... менимча улар рози бўлишади.

Бу гап ҳаммасидан ошиб тушди. Аёлнинг ичидан нимадир узилгандек бўлди. Ўғли ўн олти, қизи ўн бешга, кенжаси ўн иккига қирай деганда, эрининг бу ишидан кўнгли ранжиди, дунёлари қоронғу бўлди. "Ўзинг совчи бўлиб борасан!" бу нима дегани? Қайси аёл бахтини бўлишгиси келади? Қайси аёл кўз очиб кўрганини ўз қўли билан ўзга аёлнинг кучоғига топширади?

Аввалига Лола кўнмади. Йўғлаб-сиқтади. "Болалар катта бўлишяпти. Бу шаштингиздан қайтинг", деди. Йўқ, эридаги истак сўнмади. Қайтанга янага алангаланди.

"Эрини бошқа аёлга уйлаб қўйган аёл жаннатий бўлади. Сен жаннатий аёл бўлишни танламайсанми? Мен сендан рози бўламан шунда", деб қўшимча қиладиган бўлди эри.

Бир ой Лоланинг ҳаёти азобда ўтди. Ташида кулиб юргани билан, ичидан адоий тамом бўлаёзди. Бир-икки қайнонасига оғиз очгиси келди-ю, лекин айтолмади. Она ва боланинг орасини бузиб қўйишдан чўчиди.

Ва ниҳоят Аслбек ғалаба қозонди. Лола чорасиз рози бўлди. Ўзига оро бериб, эри учун совчиликка борди.

Бўлажак кундошининг дарвозасидан кириб бораркан, ичи тутдек тўкилди. Ҳеч бир аёл бундай азобни татимасин. Бу шундай заҳарки, ичишга ичасану, кейин ўлиб ўлолмай юрасан.

Қиз бўлмишининг онаси шаҳарда номи чиққан бойваччага қиз беришга қаршилиги йўқлигини билдирди.

- Қизимизни берсак, Аслбекдек йигитга берамизда. Фақат сиз томондан қаршилиқлар, қандайдир ёмонликлар бўлмайди, ишқилиб, ўргилай? Ҳар холда, эр бермоқ жон бермоқ, дейишади, - синовчан тикилди қизнинг онаси.

Лола титраб кетди. "Шу жойгача келганим камми? Бу аёл устимдан кулаятими? Эҳ, Асилбек ака, шу кунларни ҳам раво кўрдингиз-а?" Ичидан сим-сим тўкилди сўзлар... лекин сиртида сездирмади. Доимгидек ним табассум билан:

- Опажон, шу ергача келганим Севарахонга муносабатимни билдирмаяптими? Бегимиз истаптилар, биз қандай қаршилиқ қиламиз?

Аёл Лоланинг кўзларига қаттиқ тикилди. "Алдамаяпсанми? Ичингда адо бўлаёпсанку", деган маъно бор эди унинг нигоҳларида...

Лола бошини ҳам қилди.
- Ҳа, энди сўрадим кўйдим. Йигирма бешга кирса ҳам қизимни кундошликка бергим йўқ эди. Аслбекни таниганимиз учун, Севарахоннинг кўнгли унда бўлгани учун қаршилиқ қилмадик.

Хуллас, патир ушатилди. Розилик берилди. Лола эрини хотинли, ўзини кундошли қилишга шайланиб қайтди. Бир ҳафтадан сўнг тўй белгиланди. Аслбек миннатдорчилик билдириб, занжир совға қилди. "Зўрсанда, Лола! Манави совчилик қилганинг учун", деб қўлига тутқазди эркак. Илгаригидек кучишлар бўлмади. Шунчаки ўзига оро берганча, бўлажак келинликка ошиқди эри. Уни кўриб баттар эзилди аёл. Лекин сиртига чиқармади.

Охириги бир ҳафта Лоланинг юраги оғриб юрди. Ҳаммасини ичига ютиш Лоланинг танасига оғирлик қилди. Юраги кўтаролмади.

Ўша куни эрталабдан эри барвақт уйғонди. Ҳафсала билан соқол қиртишлади. Ўзига оро берди. Янги костюм-шимни кийди. Лола эрини жим кузатаркан, ўзларининг илк келин-куёвлик пайтини эслади.

Ўшанда Аслбек унинг ёнида парвона эди. Ниманидир баҳона қилиб, ичкарига

чақирволарди. Тушликка ҳам, кечки овқатга ҳам, албатта ўз вақтида кириб келарди. Мана энди эса... бу эркак бошқа келинчак томон ошиқмоқда.

Аёлнинг юраги ўзининг борлигини сездириб, нотинч урди. Симиллаб оғриган кўксини қўллари билан босди. Ойнадан жуфтани кузатаркан, кўзларидан ёш думалади.

Ҳамма нарса тайёр. Аслбек уйдан чиқишга шайланиб турган маҳал, дарвозанинг кичик табақаси зарб билан очилди.

Аввал қайнонаси, сўнг катта қайнисингил кириб келишди.
- Аслбек! - боласини бақариб чақирди она. Важоҳатидан от хуркарди. Ўн саккиз йил бирга бир уйда яшаб қайнонасини бундай ҳолатда кўрмаганди. - Қаердасан, Аслбек!

Эр-хотин уй ичидан югуриб чиқишди.
- Нималар қилиб юрибсан, бола? - Малоҳат опа боласига жуда қаттиқ тикилди. - Нималарни бошлаб юрибсан? - кўзи Лолага тушди. - Сизчи, Лолахон, нималар қиляпсиз? Мен ўлганманми? Бир уйда бир том остида яшаб, мендан шунчалик сир тутдингизми? Сизни қизларим қаторида кўргандимку, Лола...

- Ойижон, нима қилибман? - довдираб қолди аёл.
- Қайси юз билан эрингизга хотин сўраб бордингиз? Бир оғиз айтдингизми? Ўзингизча оналик қилиб эрингизни уйлантириб қўймоқчи бўлдингизми?

- Ойижон, бу киши... - эрига қараб ўзини оқлашга уринди.
- Бас, сиз ўзингизча иш қиладиган бўлдингизми? Онамга билдирмасдан бунақа ишлар қиладиган бўлсангиз, боринг уйингизга... болалар шу ерда қолишади, сиз кетинг, - деб ўдағайлади катта қайнисингил.

- Уятсиз, қўлингга уч-тўрт сўм пул тушиб, босар-тусарингни билмай қолдингми? Болаларинг буй етганда яна хотинсираб қолдингми? Мен нега ёлғиз қолганим, ёдингдан чиқдимми? - Малоҳат опанинг йиллаб қалби тубига кўмилган аламлари фарёд янглиғ отила бошлади. - Отангни татар хотинга уйланиб кетгани учун ажрашгандик, эсингдами? Хиёнат менинг ҳаётимдан бир марта бўлади, қайта тақрорланмайди. Менинг оиламда бу иш бир марта қилинмиш, иккинчи марта қилинмайди.

- Ойижон, - тушунтирмоқчи бўлди Аслбек.
- Ойижон, демайсан, агар ҳозир остона ҳатлаб кўчага чиқсанг, ана ўша қизга уйлансанг... мени она дема. Ўша ерга йўқол... умуман қорангни кўрсатма. Болаларни ўзим катта қилиб оламан. Отангиз ўлиб қолмадим. Сенларни қандай катта қилган бўлсам, сенсиз ҳам ўлиб қолмайман! Отангдан кечдимми, сендан ҳам кеча оламан! Ёдингда тут, шу остонадан қадам ташлаб, бошқасига уйланаркансан, мени онам дема! - Сиз эса кетинг, кўзимга кўринманг. Катта хотин бўлиб ўзича эрини уйламоқчи бўлганмиш... болалирингизни ўйламадизми? - қайнонанинг нигоҳлари унга қаратилди.

Лоланинг юраги дош беролмади. Ўзига нисбатан айтилган гаплар шусиз ҳам узилиб турган баргни узиб юборди. Юрагини чангаллаганча хушини йўқотди. Ўлдим, деб ўйлаганди. Йўқ, болаларининг бахтига Худо уни қайтариб берди. Охириги ой ичидаги юрак сиқилишлар асабийликлар натижасида микроинфаркт ташхиси қўйилди.

Тўй бўлмади. Қайнона бўлмиш куда томонга бориб, ҳаммасини тугатиб келди.

Лола ўн беш кунга қадар касалхонада даволанди.

Касалхонадан чиққан куни Аслбек уни худди янги келинликгидек кутиб олди. Уни касалхонадан олиб, тоғ бағрига олиб кетди. Қўллари тугиб, узр сўради.

- Болалигимда онамнинг кўп йўғлаганини кўрардим. Билардим, отам туфайли эканлигини... бироқ онам ажрашгандан сўнг умуман кўз ёшини кўрсатмади. Жуда кучли аёлга айланди. Мен сени ҳам кучли аёлсан, деб ўйлабман. Мени кечир... сенга берган озорларим учун кечир, - деганча бағрига босди.

Лола индамади. Майин табассум қилди холос.

Ҳовлида кучоқ очиб кутиб олган қайнонасининг бағрига бош қўйиб йўғлади. Кечирим сўради. "Борингизга шукр! Раҳмат", деди.

Орадан бир йил ўтиб, Лола ва Аслбекнинг хонадонига чақалоқ йиғиси янгради...

Саида ҚОРАБОЕВА

ДИЙДОР ҚОЛДИ ҚИЁМАТГА


Қадрдоним, сен эй қондошим
Сингилжоним, эй сирдошим.
Шоираой меҳрибоним,
Дардга ғариб бўлди жонинг.

Ўтган умринг сарҳисоби
Ҳаётингдан рози бўлгин.
Яқинларинг рози сендан,
Сен ҳам биздан рози бўлгин.

Қабринг доим нурга тўлсин,
Хавзу кавсар сероб бўлсин.
Қилган эзгу амалларинг
Чин дунёда ҳамроҳ бўлсин.

Жигаргўшам сингилжоним,
Дийдорингни кўмсагаймиз.
Тақдир экан на илож -
Дуоларда эслагаймиз...

Зулфия ҚҰНИШОВА
Самарқанд вилояти
Тойлоқ тумани
"Галаботир" қишлоғи

TOSHKENT OQSHOMI МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ	Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32	Телефонлар: Қабулхона (71) 233 61 10 Реклама (71) 233 28 95	2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-001-раками билан рўйхатга олинган	Нашр учун масъул З. НАЗАРОВ	Топшириш вақти 00:55 Топширилди 05:00 Буюртма -	 SKANER QIL
	Бош муҳаррир Севдо ИҶЕЗОВА	"NISO POLIGRAF" МЧЖ босмахонаси.	Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Машғал" маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй	Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нусха, қоғоз бичими А3	Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди	